



MILLIY TIKLANISH

47 (160) ● 2011 йил 30 ноябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Конституция ва инсон манфаатлари

Дарҳақиқат, Асосий қонунимизнинг халқчиллиги, унда энг аввало, инсон ҳаёти, манфаатлари устувор эканлиги бугунги дорилмомон кунларда, фуқароларнинг бахту саодатли турмушида ҳам ўз аксини топмоқда. Ҳеч бир муболағасиз таъкидлаш жоизки, бахтимиз Қомусида дини, ирқи, ёши, жинси ва эътиқодидан қатъий назар инсон ҳуқуқлари камситилмайди. Бу фикр зарафшонлик ёшлар талқинидаги "Конституция — менинг оилам, маҳаллам, Ватаним тақдирида" мавзудаги сахна кўринишида ҳам ўз аксини топди.

Баркамол авлод истиқболи

Билим масканида ўз касбининг ҳақиқий фидойилари, жонкуяр ўқитувчилар кўп. Илму урфон бешигини тебратётган 200 нафар ўқитувчи ва муҳандисларнинг савий-ҳаракатлари, таълим ва тарбия жараёнига янги-ча интерфаол усулларда ёндашишлари боис таълим маскани ўқувчилари вилоят ва республика фан олимпиадаларида юқори натижаларга эришмоқда. Коллежда ёшларнинг таҳсил олишлари, танлаган йўналишлари бўйича касб сирларини егаллашлари учун барча имкониятлар мавжуд.



Аср вабоси

Гиёҳванд моддалар савдоси фақат Афғонистон билан боғлиқ эмас. Энг оғриқли нуқталар Латин Америка давлатлари, Европа минтақаси, Осиёнинг жанубий-шарқий мамлакатларида ҳам анча «ривожланмоқда». Наркомафия фаолияти инсон савдоси, ноқонуний маблағлар ва қурол-яроқ контрабандаси билан узвий боғлиқ бўлиб, бу ҳол нафақат давлатларнинг иқтисодий ва ижтимоий муаммоси, балки мамлакат хавфсизлиги учун ҳам хатар туғдиришини урғулашади мутахассислар.

3 ПАРТИЯ ҲАЁТИ

5 МАЪНАВИЯТ

7 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ЎЗМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА



Оилавий тадбиркорлик

УНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЧИЛИК МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ

Юртимиз истиқлолга эришгач, барча соҳаларда кенг қўллаган ислохотлар амалга оширилди. Бу жараён миллий қадриятларимизга мос тарзда кечаётганлиги муҳим аҳамият касб этади. Оилавий тадбиркорлик ва миллий хунармандчилигимизни йўлга қўйиш ва қўллаб-қувватлаш борасида ёшлар ҳамда аёлларга қўлай шарт-шароитлар яратилмоқда.

Бизга мерос бўлиб келаётган қадриятларни янада такомиллаштириш ва қўл меҳнатининг янги турларини ишлаб чиқишни тақозо қилмоқда. Оилавий тадбиркорлик ва миллий хунармандчиликни янада ривожлантириш мақсадида "ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасидаги ижтимоий шериклик — оилавий тадбиркорлик ва миллий хунармандчиликнинг муҳим омилли" мавзусида Тошкент шаҳри ҳамда вилоятдаги касаначи, хунарманд ва ёш тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган махсулотлар кўргазмаси бўлиб ўтди.

3-бет

ФОРУМ

Ёшлар миллий қадрият ва урф-одатларимиз

АСОСИДА КАМОЛГА ЕТМОҚДАЛАР

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши "Ёшлар қаноти" ҳамда Республика "Хунарманд" уюмаси билан ҳамкорликда "Баркамол ёшлар — обод Ватан келажиги" шиори остида "Биз буюк юрт фарзандларимиз" мавзусида ёшлар форуми ўтказилди. Унда ЎЗМТДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия Тошкент шаҳар Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ходимлари, "Ёшлар қаноти" етакчилари, ёш хунарманд ва спортчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

3-бет

ХАБАРЛАР

Бола ҳуқуқлари ҳимояда

Пойтахтимизда бўлиб ўтган халқаро форум Ўзбекистонда болалар ҳуқуқининг ижтимоий ҳимоясига бағишланди.

Болаларни ҳуқуқий ҳимоялашга қаратилган комплекс ижтимоий дастурларни амалга оширишда ННТ ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий механизми такомиллаштириш, тизимда ижтимоий иш муаммоларининг долзарб масалаларини муҳокама этишдек долзарб вазифаларни ўзидан камраган форум тақдирот, мунозара, даврасуҳбати шаклида ўтди.

Меҳнат ярмаркаси

Қарши шаҳар маданият ва истироҳат боғида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.

Тадбирда 76 та корхона ҳамда ташкилотлар томонидан 632 та бўш иш ўринлари таклиф этилди. Шунингдек, ярмаркада "уста-шогирд" анъанасига мувофиқ 45 нафар ёш "Зардўзлик", "Наққошлик", "Чинни буюмларга безак бериш", "Қаштачилик", "Гиламчилик" каби бир қатор касбга тайёрлаш курсларига йўналтирилди.

Объективда номоддий маданий мерос

Тошкент Фотосуратлар уйида номоддий маданий мерос тарғибига бағишланган фото ва видео ҳаваскорларнинг Республика танловига старт берилди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик ҳамда ахборот маркази, шунингдек, Ўзбекистон Кинохаваскорлари жамияти ҳамкорлигида ташкил этилган танловда ёш хаваскорларнинг 150 дан зиёд фото ва видео ишлари намойиш этилди. Кўрик-танлов кўргазмаси шу йилнинг 6 декабрига қадар давом этади.

ЖАРАЁН



Миллий бозорни ҳар томонлама ривожлантириш

УСТУВОР ВАЗИФАМИЗДИР

Муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Парламент палаталари қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" номли маърузасида мустақиллик йилларида амалга оширилган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқур таҳлил этиб, эришилган ютуқлар сарҳисоби билан бир қаторда олдимизда турган устувор вазифаларни ҳам белгилаб берган эди. Жумладан, бу борода демократик бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва либераллаштириш йўналиши муҳим аҳамиятга эга.

такомиллаштириб бориш алоҳида аҳамият касб этади. Концепцияда эътироф этилганидек, мустақиллик йилларида иқтисодий ислохот қилиш бўйича 400 дан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, амалиётга жорий этилди. Бу ўз навбатида иқтисодий ислохотларни янада либераллаштириш ва модернизация қилишда нафақат мустақам ҳуқуқий асос, балки амалга оширилаётган бозор ислохотлари ортага қайтмаслигининг кафолати сифатида хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, эришилган ютуқлар замирида, аввало, бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий асосларини мунтазам

4-бет

ДЕПУТАТ МИНБАРИ

Рақобат муносабатлари

ЁХУД УНГА ДОИР ҚОНУНЧИЛИКНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУРАТИ

Давлат томонидан самарали рақобат сиёсатини амалга оширилиши натижасида товар ва хизматлар бозорини монополаштириш сезиларли даражада пасайди. Бу, энг аввало, товар ва хизматлар бозорини эркин рақобатлашадиган янги тадбиркорлик субъектларининг пайдо бўлиши ва улар учун яратилган қўлай шарт-шароит жараёнида яққол намоён бўлди. Ана шундай жараёнлар натижаси ўлароқ пировардида жамиятда соғлом рақобат муҳити шаклланимоқда.

Иқтисодий барқарорликка эришишнинг муҳим шартларидан бири — мавжуд монопол тармоқлар фаолияти билан жа-

мият ўртасидаги иқтисодий муносабатларни тартибга солиш, тармоқларда махсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажми ўсишини мунтазам таъминлашдан иборат. Иқтисодий ислохот қилиш даврида монопол тармоқлар, айниқса, йирик монополия соҳалари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиб туриш, монополиядан чиқариш ва монополия фаолиятини чеклаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

2-бет

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!
Нашр кўрсаткичи — 158



ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА



Оилавий тадбиркорлик

УНИ КЎЛЛАБ-ҚУВВATЛАШДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЧИЛИК МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Кўргазма Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши, Республика Хотин-қизлар Кўмитаси, ЎзННТМА ва "Тадбиркор аёллар ва ишбилармонлар" жамоат бирлашмаси ташаббуси билан ташкил этилди. Унда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия фаоллари, давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари, хунармандлар, куллар, дизайнерлар, оилавий касаначилар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Таъкидлаш жоизки, касаначилик меҳнатидан нафақат касаначи, балки ишчи-хизматчилар ҳам манфаатдордир. Уй шароитида бажариладиган иш кишиларнинг эҳтиёжларини

қондириш учун ёрдам берса, иккинчи томондан аҳолининг барча ижтимоий қатламига меҳнат ҳуқуқини рўйбга чиқаришга ёрдам беради. Тадбир айнан жисмоний қобилияти паст, имконияти чегараланган, нафақахўр ва ёш болали аёлларга иш топишда янада кўпроқ имкониятлар яратишга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилди.

— Хунармандларимиз ва кичик бизнес активлари мустақиллигимизнинг ўтган 20 йилида жуда катта ютуқларга эришдилар, — деди ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Ш.Умарова. — Бугунги кунда яратилган шарт-шароитлар натижасида халқ хунармандчилиги ривожланиб, амалий санъат даражасига кўтарилмоқда. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси келажак авлодга халқ амалий санъатини, хунармандчи-

лини миллий кадрият сифатида эъзозлаб, асраб-авайлаб, янада такомиллаштириган ҳолда етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Жумладан, Халқаро валюта жамғармаси эътироф этганидек, Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка алоҳида эътибор берилмоқда, давлат ташаббуслари юзага чиқмоқда, уларга бир қатор солиқ имтиёзлари ва банклар томонидан катта миқдорда маблағлар ажратилмоқда.

Мазкур анжуман хунармандларимиз ҳамда хусусий тадбиркорлик билан шугулланаётган субъектлар учун ўзаро таъриба алмашиш ва ўз маҳсулотларини намойиш этишга қулай имконият яратди.

Наргиза АХМЕДОВА,
миллий либослар бўйича дизайнер,
ЎзМТДП аъзоси:
— Кўргазмада амалий санъ-

атнинг барча турлари намойиш этилаётганлигини кўриб кўзинг қувнайди. Мен унда халқимизнинг ноёб санъат асарини ҳисобланган сўзана, яқтак ва халатчалар билан иштирок этяпман. Миллий ва замонавийликни уйғунлаштирган ҳолда тиккан либосларим кўпчиликнинг эътиборига тушганлигидан бахтиёрман. Жумладан, Малайзия, Корея вакиллари ҳам яратган миллий либосларимга қизиқиш билдирдилар, ҳатто шартнома тузишга ҳам келишиб олдик. Мазкур тадбир хунармандлар учун эътибор, имконият, мен каби ёшларнинг эса ижод, изланиш ва интилишимизга кенг йўл очади. Айниқса, тижорат банклари, солиқ ва божхона органлари мутахассислари томонидан ўз бизнесини бошламоқчи бўлганлар учун маслаҳат хизмати ташкил этилгани янада қувонарли. Шахсан менда ҳам бизнес лойиҳамни амалга ошириш учун кредит олиш имкони пайдо бўлди. Қувонарлиси, тадбир ташкилотчилари томонидан махсулотларимга юқори баҳо берилиб, дизайнерлик бўйича диплом билан тақдирландим.

Ханифа ЗОКИРОВА,
ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари бўлими бошлиғи:

— Мазкур тадбир "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" муносабати билан Тошкент шаҳар ва вилояти маҳалларидagi оилавий тадбиркорлик, касаначилик ҳамда хунармандчилик билан шугулланаётган хотин-қизлар фаолияти, яратган маҳсулотларини кенг оммага тарғиб қилиш ва яқиндан таништириш мақсадида ташкил этилди. Кўргазма оилавий тадбиркорларни нафақат ички, балки халқаро бозорга чиқишлари ҳам яқиндан ёрдам беради.

Дилфуза РЎЗИЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

ларининг фаолияти самардорлигини ошириш масалалари" ва "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" муносабати билан "Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини шакллантиришда сиёсий партияларнинг ўрни" каби мавзуларда қатор давра суҳбати, ўқув-семинар, тадбир ва кўрик-танловларни мунтазам ўтказиб келмоқдамиз. Мазкур форум ҳам ЎзМТДП сайловолди Платформаси ва дастурида белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда ташкил этилди. Қолаверса, тадбир ёшлар онгига Ватан тақдирини ва келажакни таърифловчи туйғуларини синдиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Нозима ҲАМРОКУЛОВА,
ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши "Ёшлар қаноти" етакчиси:

— Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда ёшларнинг ўрни ва роли бекиёс. Шу боисдан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ёшларнинг ўзининг ижтимоий-сиёсий жараёнлари марказига қўяди. Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш мақсадида партиямиз "Ёшлар қаноти" томонидан "Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан" шiori остида "Инсон ҳуқуқлари энг олий кадрият", "Юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги энг олий мақсади" ва "Ўзбек давлатчилиги тарихида Амир Темур ва теурийлар салтанатининг ўрни", "Мустақилликка 20 йил: ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотлар ёшларнигоҳида", "Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси электоратини ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштирокини фаоллаштиришда туман Кенгашлари ва бошланғич партия ташкилот-

Гулноза МУСТАФОЕВА,
ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони етакчи мутахассиси

ЮЗМА-ЮЗ

Конституция ва инсон манфаатлари

ДАВРА СУҲБАТИ "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ГАЗЕТАСИ КУНЛАРИ БИЛАН УЙҒУНЛАШИБ КЕТДИ

Халқимиз хоҳиш-продасининг олий ифодаси бўлган мамлакатимизнинг Асосий қонуни қабул қилинган кун муносабати билан турли тадбирлар, баҳс-мунозарали беллашувлар, давра суҳбатлари бўлиб ўтмоқда. Жумладан, ЎзМТДП наشري "Миллий тикланиш" ижтимоий-сиёсий газетаси ҳамда вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамкорлигида Зарафшон шаҳридаги "Меҳрибонлик уйи"да "Конституция ва амалдаги қонун ҳужжатларида болалар манфаатларининг кафолатлиниши" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллиги олдидан ўтказилган тадбир "Миллий тикланиш" газетаси кунлари билан уйғунлашиб кетгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Тадбирда Конституциямиз — тенглик, эркинлик, биродарлик, халқаро ва миллатлараро дўстлик, мамлакатимизда тинчлик ва оқилолликни таъминлаш каби энг буюк гоғларга хизмат қилиши таъкидланди. Шунингдек, тадбир доирасида Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" номли маърузасида белгиланган вазифалар ва устувор йўналишларни кенг жамоатчиликка етказишда, юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни еритишда, миллий кадрият, аънава ва урф-одатларимизни тарғиб этишда газета таҳририяти ижодкорлари томонидан амалга оширилаётган ишлар, ижодий жамоатнинг келгусидаги режалари ҳақида атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбирда сўз олган халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгаши депутати Меҳринисо Пардаева, Зарафшон шаҳар ҳокими, халқ депутатлари Зарафшон шаҳар Кенгаши депутати Илхомбек Эшмирзаев, "Миллий тикланиш" газетаси бўлим муҳаррири Эркин Дорипов ёшларнинг мамлакатимиз ва юртимизнинг истиқболини белгилловчи улкан куч эканлиги, мамлакатимизда баркамол авлод таълим-тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, бурчлари Ўзбекистон Республика-

си Конституциясида ёрқин ифода этилганлигини эътироф этишди.

Дарҳақиқат, Асосий қонунимизнинг халқчиллиги, унда энг аввало, инсон ҳаёти, манфаатлари устувор эканлиги бугунги дорилмон кунларда, фуқароларнинг бахту саодатли турмушида ҳам ўз аксини топмоқда. Ҳеч бир муболагасиз таъкидлаш жоизки, бахтимиз Қомусида дини, ирки, ёши, жинси ва этникодидан қатъий назар инсон ҳуқуқлари камситилмайди. Бу фикр Зарафшонлик ёшлар талқинидаги "Конституция — менинг оилам, маҳаллам, Ватаним тақдирим" мавзусидаги саҳна кўринишида ҳам ўз аксини топди. Улар талқинидаги Ватани, юртни улуғловчи шеърини композиция тадбирга алоҳида файз бағишлади. Тадбирда Зарафшон шаҳридаги "Меҳрибонлик уйи" тарбияланувчиларига ҳомий ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Гулчеҳра ВОҲИДОВА,
Зарафшон шаҳар ҳокимлиги маънавий-маърифий ишлар тарғиботи бўлими раҳбари:

— Фарзандларимизни ҳар томонлама қамол қилиб тарбиялашимизда ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирларнинг аҳамияти катта. Шу боис ҳам биз бу масалага катта эътибор қаратмоқдамиз. Йилнинг энг муҳим саналари, буюк алломаларимизнинг таълавлуд айёмларига бағишланган тадбирларнинг мунтазам ўтказилиб келиниши уларнинг маънавий юксалишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги тадбир ҳам ўқувчиларнинг маънавий-ҳуқуқий саводхонлигини оширишда муҳим омили бўлди, десам муболага бўлмайди. Тадбир доирасида ёшларга "Миллий тикланиш" газетасининг ижодий фаолияти ҳақида, унда ёритилаётган халқимизнинг боқий аънавалари, кадриятларини тарғиб қилувчи материаллар, ЎзМТДП дастури, гоғ ва мақсадларини ифодаловчи мақолалар ҳақида батафсил маълумот берилди. Тадбир иштирокчиларида партияга аъзо бўлиш ва ўз сиёсий фаоллигини янада ошириш истаги пайдо бўлди.

Ўралой ТУРДИЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

ФОРУМ

Ёшлар миллий кадрият ва урф-одатларимиз

АСОСИДА КАМОЛГА ЕТМОҚДАЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Форум миллий хунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси билан бошланди. Кўргазмада намойиш этилган ҳаваскор ёшлар томонидан тайёрланган каштачилик, қуроқчилик, ёғоч ўймакорлиги ва сопол идишлар иштирокчилар эътирофига сазовор бўлди.

— Дарҳақиқат, мустақиллик туфайли биз ўзлигимизни англадик, озод халқ, мустақил давлат сифатида Ўзбекистоннинг бор бўй бастини, улкан салоҳиятини бутун дунёга намён қилиш имкониятига эга бўлдик, — дейди ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари А.Эшмуродов. — Истиқлол боис, бизнинг жаҳон таниди, халқимизнинг фидокорона меҳнати, ёшларимизнинг ғайрати, азму шижоати ила Ватанимизнинг шон-шухрати олам узра яна кенгроқ ёйилмоқда. Мазкур тадбир ҳам мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йили мобайнида босиб ўтилган йўлга яна бир бор назар ташлаш, ЎзМТДП дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар ҳамда натижаларни холисона баҳолаш, ташкил этилаётган бу каби тадбирларнинг аҳамияти ва мазмун-моҳиятини кенг

жамоатчилик, айниқса, ёшлар онгу шурига етказиш мақсадида ўтказилди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ёшлар онгига миллий истиқлол гоғсини синдириш, уларда жамиятимиз тараққиётига тўсиқ бўлаётган турли хил таҳдидларга қарши мафқуравий имунитетни шакллантириш, уларни миллий кадрият, аънава ва урф-одатларимизни эъзозлаш, шунингдек, Ватанга содиқлик ва ҳурмат руҳида тарбиялаш, ватанпарвар, мустақил ва эркин фикрга эга истеъдодли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни ўз олдига мақсад қилиб олган.

Партиянинг "Ёшлар қаноти" бугунги кунда меҳроқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби олийжаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий кадриятларга ҳурмат, Ватан тақдирини келажакка дахлдорлик туйғусини ёшлар юрагининг туб-тубидан ўрин олиши учун аниқ тизим асосида фаол ҳаракат олиб бормоқда. Ўзига хос "Биз буюк юрт фарзандларимиз" мавзусидаги ушбу ёшлар форуми ҳам юқоридаги тилга олинган фаолиятнинг натижаларидан биридир.

Тадбир сўнида ўзбек эстрадаи ёрқин юлдузларининг куй-қўшиқлари, бадий саҳна чиқишлари, Ўзбек жанг

УЧРАШУВ

Қашқадарё вилояти Нишон туманида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси, ЎзМТДП Қашқадарё вилоят Кенгаши ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Қашқадарё вилоят минтақавий бўлимига ҳамкорлигида "Тараққиёт концепцияси — сиёсий ислохотларнинг энг босқичи" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатини Кўмита раиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси А.Саидов кириш сўзи билан очиб, Президентимиз Ислам Каримовнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» эълон қилинганлигига бир йил бўлганлиги ва мана шу бир йил давомида Концепцияни ҳаётга татиқ этиш йўлида Қонунчилик палатаси томонидан амалга оширилган ишлар ҳақида тўхталди.

Тадбирда Кўмита ва ЎзМТДП

Очиқ мулоқотлар

фракцияси аъзоси А.Эшмуродов сўзга чиқди. Йигилишда таъкидланганидек, "Юртбошимиз Концепцияда ўтган даврдаги босиб ўтган йўлимизни чуқур ва атрофлича таҳлил этиб, мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга олиб чикувчи ривожланиш йўлларини белгилаб беришди. Айниқса, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш йўналишида илгари сурилган қонунчилик ташаббуслари ва белгиланган чора-тадбирлар ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда бутунлай янги бир даврни бошлаб берди.

Концепция юзасидан Қонунчилик палатаси томонидан айна пайтгача қатор қонунлар қабул қилиниб, айримлари тайёрланмоқда. "Риэлторлик тўғрисида"ги қонун, "Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида"ги, "Рақобат тўғрисида"ги, "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгаришлар кириштириш тўғрисида"ги Қонунлар ана шулар жумласидандир.

Шунингдек, кўмита Касби туманида ЎзМТДП Қашқадарё вилоят Кенгаши билан ҳамкорликда "Президент Ислам Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" номли китобининг тарихий аҳамияти" мавзусида давра суҳбати ташкил этди.

Тадбирда туман ташкилот-

лари мутасаддилари, маҳаллар фаоллари, ЎзМТДП партияси аъзолари, ёшлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатида таъкидланганидек, мазкур китобнинг Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигида нашр этилиши катта аҳамиятга эга. Зеро, мустақиллик ўз-ўзидан кўпга киририлмаганлиги, унга жуда катта машаққатлар билан эришилганлиги ва белгиланган чора-тадбирлар ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда бутунлай янги бир даврни бошлаб берди.

Концепция юзасидан Қонунчилик палатаси томонидан айна пайтгача қатор қонунлар қабул қилиниб, айримлари тайёрланмоқда. "Риэлторлик тўғрисида"ги қонун, "Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида"ги, "Рақобат тўғрисида"ги, "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгаришлар кириштириш тўғрисида"ги Қонунлар ана шулар жумласидандир.

Тадбирда туман ташкилот-

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

● ЖАРАЁН



Миллий бозорни ҳар томонлама ривожлантириш

УСТУВОР ВАЗИФАМИЗДИР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Таъкидланганидек, "ислохотларнинг мантиқи ва изчиллиги, уларнинг энг замонавий бозор нормаларига мувофиқлигини баҳолаш иқтисодий-тижорат тизимини янада чуқурлаштириш, такомиллаштириш ва эркинлаштириш бўйича жиддий эҳтиёж мавжудлигини кўрсатмоқда".

Мустақиллик йилларида вужудга келган демократик бозор ислохотлари ва иқтисодий-тижорат эркинлигини янада чуқурлаштириш, ривожланган бозор муносабатларини тўла таъминлашнинг тўртта асосий талабларини айтиш ўринли. Улар мулк муносабатларини янада такомиллаштириш ва хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳўжалик юритувчи субъектлар, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари эркинлигини кафолатлаш, рақобат муҳитини яхшилаш ва бозор инфратузилмасини янада ривожлантириш, шунингдек, иқтисодий-тижорат тизимларининг тўла мустақил тарзда ишлаши ҳамда бошқа органларнинг улар фаолиятига аралашмаслигини таъминлашдан иборат.

Айтиш жоизки, кўзда тутилган устувор вазифалар, энг аввало, иқтисодий-тижорат тизимини янада чуқурлаштиришга доир мавжуд қонунчиликни янада такомиллаштириш, шу билан биргаликда бир қатор янги қонунларни ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Хусусан, мулк муносабатлари ва хусусий мулк кафолатлари соҳасида "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Хусусийлаштириш тўғрисида"ги (янги таҳрири), "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги (янги таҳрир), ҳўжалик юритувчи субъектлар эркинлигини таъминлашга қаратилган "Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида"ги, "Иновациялар ва инновацион фаолият тўғрисида"ги, ра-

қобат эркинлиги соҳасида "Рақобат тўғрисида"ги, бозор инфратузилмасини янада ривожлантиришда "Хусусий банклар ва молиявий институтларни ташкил этиш тўғрисида"ги, "Кредит ахборот алмашуви тўғрисида"ги, "Гаров реестри тўғрисида"ги, "Риэлторлик фаолияти тўғрисида"ги, "Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш устувор вазифа сифатида белгиланди. Айни пайтда оқоридаги қонунларнинг айримлари қабул қилиниб, амалиётга жорий этилди.

Сийсий майдонда миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, Ўзбекистонни ривожланган давлатлар қаторида қўриш ва бунга ўзининг муносиб ҳиссасини қўишни асосий мақсад қилиб белгиланган "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари ҳам дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, қонун лойиҳаларини такомиллаштириш жараёнида фаол иштирок этишмоқда. Айтиш лозимки, демократик бозор ислохотлари ва иқтисодий-тижорат тизимларининг тўла мустақил тарзда ишлаши ҳамда бошқа органларнинг улар фаолиятига аралашмаслигини таъминлашдан иборат.

Айтиш жоизки, кўзда тутилган устувор вазифалар, энг аввало, иқтисодий-тижорат тизимини янада чуқурлаштиришга доир мавжуд қонунчиликни янада такомиллаштириш, шу билан биргаликда бир қатор янги қонунларни ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Хусусан, мулк муносабатлари ва хусусий мулк кафолатлари соҳасида "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Хусусийлаштириш тўғрисида"ги (янги таҳрири), "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги (янги таҳрир), ҳўжалик юритувчи субъектлар эркинлигини таъминлашга қаратилган "Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида"ги, "Иновациялар ва инновацион фаолият тўғрисида"ги, ра-

қобат эркинлиги соҳасида "Рақобат тўғрисида"ги, бозор инфратузилмасини янада ривожлантиришда "Хусусий банклар ва молиявий институтларни ташкил этиш тўғрисида"ги, "Кредит ахборот алмашуви тўғрисида"ги, "Гаров реестри тўғрисида"ги, "Риэлторлик фаолияти тўғрисида"ги, "Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш устувор вазифа сифатида белгиланди. Айни пайтда оқоридаги қонунларнинг айримлари қабул қилиниб, амалиётга жорий этилди.

ри яратилиши ҳамда аҳоли турмуш тарзининг яхшиланишига эришилади. Бу эса пировард натижада ички бозорларимизни арзон, хариддоригр ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш имконини беради.

Концепцияда кўзда тутилган хусусий мулкнинг давлат томонидан кафолатланиши ва мулк шаклидан қатъий назар, улар дахлсизлигининг таъминланиши мулк эгаллари, корпоратив мулкларда улушга эга бўлган ва хусусийлаштириш жараёнида иштирок этаётган партияимиз вакиллари манфаатларини ҳуқуқий жиҳатдан тўла ҳимоя қилади.

Халқимизнинг миллий анъаналарини инобатга олган ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик эркинлигини кафолатлаш ҳамда оилавий бизнеснинг ҳуқуқий асосини яратиш орқали уларни янада ривожлантириш зарурлигига эътибор қаратилаётганлиги ЎзМТДП электорати бўлган маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилар, хунармандлар, оилавий тадбиркорлар ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш каби муҳим вазифалар қўйилди.

Концепцияда олдимизга қўйилган устувор вазифаларни амалга ошириш ва ҳаётга жорий этиш кўп жиҳатдан юқори мақолатли кадрларга боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу боис, партиямиз дастурида белгиланганидек, таълим тизими фаолиятини замон талаблари асосида янада такомиллаштириш, айниқса, иқтисодий фаолият билан хусусуллашувчи малакали мутахассисларни тайёрлашга кўмаклашиш муҳим вазифаларимиз сирасига кирди.

Хулоса қилиб айтганда, демократик бозор ислохотлари ва иқтисодий-тижорат тизимларининг тўла мустақил тарзда ишлаши ҳамда бошқа органларнинг улар фаолиятига аралашмаслигини таъминлашдан иборат.

инвестиция ва сугурта бозорининг ривожланишига, рақобатнинг кучайиши, энг муҳими, мазкур хизматлар сифатининг яхшиланиши, улар нархининг пайсаси олиб келади. Ушбу устувор вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши аввало ЎзМТДПнинг сайловолди Платформасида кўзда тутилган маҳаллий сармоядорлар учун инвестиция муҳитининг янада яхшиланиши, маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилар ва кўп сонли хунармандлар, оилавий тадбиркорлик билан шуғулланувчиларга микромолиявий ва молиявий хизматлардан фойдаланишда қатор қўлайликлар яратилишига хизмат қилади.

Концепцияда белгилаб берилган устувор йўналишлар ва вазифаларда кўзда тутилган сийсий партияларнинг жамиятдаги ролини янада кучайтиришга қаратилган механизмлар уларга янги имкониятлар яратиш билан бирга катта масъулият ҳам юқлайди. Шу муносабат билан демократик бозор ислохотлари ва иқтисодий-тижорат тизимларининг янада чуқурлаштириш соҳасида илгари сурилган устувор йўналишларни ҳаётга татбиқ этишда ЎзМТДПнинг барча даражадаги депутатлари ва фаоллари олдига мазкур соҳада илгари сурилган гоя, мақсад ва вазифаларни марказда ва жойлардаги партия кенгашлари ҳамда бошланғич партия ташкилотларида чуқур ўрганилишини ташкил этиш, партия электорати ва омма орасида кенг тарғибот, ташвиқот ишларини олиб бориш, Концепцияда белгилаб берилган иқтисодий ислохотларнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, иқтисодий-тижорат барқарор ва муносиб ривожини таъминлаш оладиган қонунларни қабул қилиш, уларнинг сифатини таъминлаш ҳамда ҳаётга татбиқ этилишида фаол иштирок этиш, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фаоллари, биринчи навбатда, барча даражадаги депутатлари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, айниқса, маҳаллий сармоядорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар, хунармандлар, оилавий тадбиркорлик билан шуғулланувчиларнинг мавжуд қўлай иқтисодий имконият ва шарт-шароитдан оқилона фойдаланишига кўмаклашиш, эркин ривожланишига тўсиқ бўладиган айрим омилиларни бартараф этишда фаоллик кўрсатиш каби муҳим вазифалар қўйилди.

Концепцияда олдимизга қўйилган устувор вазифаларни амалга ошириш ва ҳаётга жорий этиш кўп жиҳатдан юқори мақолатли кадрларга боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу боис, партиямиз дастурида белгиланганидек, таълим тизими фаолиятини замон талаблари асосида янада такомиллаштириш, айниқса, иқтисодий фаолият билан хусусуллашувчи малакали мутахассисларни тайёрлашга кўмаклашиш муҳим вазифаларимиз сирасига кирди.

Хулоса қилиб айтганда, демократик бозор ислохотлари ва иқтисодий-тижорат тизимларининг тўла мустақил тарзда ишлаши ҳамда бошқа органларнинг улар фаолиятига аралашмаслигини таъминлашдан иборат.

Халқимизнинг миллий анъаналарини инобатга олган ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик эркинлигини кафолатлаш ҳамда оилавий бизнеснинг ҳуқуқий асосини яратиш орқали уларни янада ривожлантириш зарурлигига эътибор қаратилаётганлиги ЎзМТДП электорати бўлган маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилар, хунармандлар, оилавий тадбиркорлар ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларида фаолият олиб бораётган вакилларимизга янада қўлай иқтисодий шароит яратади.

касаначилар, оилавий тадбиркорлик билан шуғулланувчилар, бизнеснинг бошқа тузилмаларига бир қатор қўшимча ресурслар жалб этиш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктура объектларидан фойдаланиш ҳамда маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларда сотиш масалаларида тенг ҳуқуқий кафолатларни таъминлайди.

Бозор инфратузилмасини янада ривожлантириш борасида Концепцияда илгари сурилган устувор йўналишлар молиявий ва микромолиявий хизматлар,

● ЛОЙИҲА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Водийлик журналистлар

БИР ҲАФТА ДАВОМИДА МАРКАЗИЙ НАШРЛАРДА МАЛАКА ОШИРДИЛАР

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ҳудудлардаги босма ОАВ таҳририятлари кадрлар салоҳиятини оширишга қаратилган "Республика ҳудудий босма ОАВларида фаолият юртайётган журналистларнинг марказий нашрларда малака ошириш" лойиҳаси доирасида ўтган ўн ой давомида Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Хоразм, Навоий ва Бухоро вилоятларидан таширф буюрган 80 нафар журналист марказий нашрларда ўз малакаларини оширдилар.

Навбатдаги лойиҳа бўйича жорий йилнинг 14-18 ноябрь кунлари Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари босма ОАВларида фаолият кўрсатётган 30 нафарга яқин журналист тақлиф этилди.

Пойтахтга таширф буюрган журналистлар марказий нашрларда, ахборот воситалари, интернет порталлари, ЎЗМУ ва ЎЗДЖТУ журналистика факультетлари, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари билан учрашувда иштирок этиб, Президентимиз томонидан тақлиф этилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"нинг ахборот соҳасини ислоҳ қилиш ва сўз эркинлигини таъминлаш қисмида белгилаб берилган қонун лойиҳалари муҳокамаларида қатнашдилар.

Айтиш жоизки, "Ижтимоий тараққиётни рўёбга чиқариш учун мамлакатда юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва уларни жаҳон стандартлари даражасига кўтариш, фан ва техниканинг бугунги кун тараққиётига жавоб бериш учун кенг савияли, билимдон, ўз касбининг фидойи кишисини камол топтириш орқали давлатимиз тараққиётига хизмат қилувчи касб эгаларининг касбий ма-

лака ва маҳоратларини ошириш лозим.

Бугун Ўзбекистонда турли ахборот хуружига қарши тура оладиган давлатнинг самарали тизимини янада такомиллаштиришга эҳтиёж сезилмоқда ва бу ўринда ҳар бир ОАВ ходимида юксак маънавият, ватанпарварлик ва ўз касбига садоқат туйғуларини шаклланган бўлиши лозим. Эро, ОАВ жамият кўзгуси, бунга ҳеч ким инкор эта олмади.

Амалиёт давомида ёш журналистлар таҳририятлар фаолиятидаги ҳар бир жараён да бевосита иштирок этишлари ва марказий нашрлардаги газета дизайни, савияси, безакларига алоҳида аҳамият қаратдилар.

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида ўқувчи диққатини жалб қилиш, аудитория доирасини кенгайтиришга наширнинг бадиий савиясини ошириб, интерактив лойиҳалар орқали ўқувчи қалбига йўл топиш энг мақбул йўл саналади. Бунда визуал омил, яъни тасвир савиясини ошириш орқали мақсадга осонроқ эришиш мумкинлиги тажрибаларда ўз тасдиғини топган. Тажриба ошириш лойиҳаси иштирокчилари марказий нашрларнинг дизайни безаклиги борасида ўрганса арзиғулик тажрибалар олганликларини эътироф этишди.

Лойиҳа доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палата-

си Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзолари ОАВ соҳасидаги миллий қонунчилигимиз, соҳада маҳорат ва таъсирчанлиқни ошириш мақсадида ОАВ соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштиришда журналист масъулиятини ошириш борасида фикр-мулоҳазалар билдиришди. Шунингдек, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари очиклигини таъминлашда ОАВларнинг ўрни ва роли" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда Қонунчилик палатаси депутatlари, ОАВ вакиллари ва мутасадди ташкилот раҳбарлари иштирок этиди.

Тадбир доирасида лойиҳа иштирокчилари ОАВни янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, унинг фуқаролик жамияти тизимидаги роли ва амалга оширилаётган ижтимоий-сийсий ва социал-иқтисодий ислохотлар очиклиги ва ошкоралигини таъминлашдаги фаоллигини кучайтириш, миллий ахборот маконини ривожлантириб бориш орқали глобал ахборот майдонида Ўзбекистонни муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш бугунги куннинг энг долзарб вазифалари эканлиги таъкидлаб ўтилди. Шунингдек водий журналистлари учун "Анъанавий ва интерактив журналистика" мавзуларида ЎЗМУ журналистика факультети, ЎЗДЖТУ халқаро журналистика факультетларида давра суҳбатлари ташкил этилди.

Шунингдек, малакали журналистлар иштирокида турли хил семинар машғулотлари бўлиб ўтди. Фонд томонидан ташкил этилаётган ва каби малака ошириш лойиҳалари журналистларимизнинг тажриба ва маҳоратини юксалтиришга қаратилган.

Адибахон ҒАЙРАТ қизи, "Milliy tiklanish" муҳбири

● ТАДБИР

Янги марказда халқаро анжуман

Андижон шаҳрида бунёд этилган Халқаро бизнес маркази ҳар қандай инсонда ҳавас ва ҳайрат уйғотади. Президентимиз Ислам Каримов Андижонга қилган таширфи чоғида мазкур марказ биносининг меъморий ечимига юксак баҳо бердилар.

"Хамкорбанк" ОАТБ томонидан бунёд этилган Халқаро бизнес марказида Ўзбекистон Республикаси Савдо саноат палатаси, Андижон вилоят ҳокимлиги ҳамда чет эл компаниялари ваколатхоналари ҳамкорлигида "Андижон вилояти кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг саноат салоҳиятини кенгайтириш имкониятлари" мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди. Унда республикамизда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар ва хорижлик меҳмонлар иштирок этиди.

Ўзбекистон Республикаси Савдо саноат палатаси раиси Алишер Шайхов, Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари Шавкат Ибрагимов, "Хамкорбанк" ОАТБ кенгаши раиси Икромжон Ибрагимов кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ишлаб чиқариш омили бўлаётганини таъкидладилар.

Анжуманда хорижлик меҳмонлар халқаро бизнес маркази замонавий лойиҳалар асосида халқаро андозларга мос тарзда бунёд этилгани, тадбиркорлар учун офис, конференц-зал, ўқув маркази, меҳмонхона, ресторани, банк бўлими, кинозал, кафе-бар ва кўплаб савдо дўконлари катта маҳорат билан қурилганини эътироф этидилар. Ушбу маскан келажакда тадбиркорликни янада ривожлантириш, тажриба ўрганиш, халқаро ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш, тадбиркорлар фаолиятини янада такомиллаштириш, билимларини ошириш борасида кўмак берадиган маскан сифатида хизмат қилиши шубҳасиз.

Банк матбуот хизмати

● ТАНЛОВ

Президентимиз "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да таъкидланганидек, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатини, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган кенг қўламли ишларни амалга ошириш бузуғи куннинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Ана шу жиҳатдан республика Адлия вазирлиги ташаббуси билан ўқув даргоҳларида ташкил этилаётган учрашув ва суҳбатлар, кўрик-танлов ва тадбирлар алоҳида эътиборга молик.

Ёш ҳуқуқшунослар танлови

Куни кеча Самарқанд шаҳрида ана шундай анжуманлардан яна бири — "Ёш ҳуқуқшунослар" кўрик-танлови бўлиб ўтди. Республикада Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган мазкур тадбирда Жиззах, Наманган, Бухоро, Фарғона вилояти ва Тошкент шаҳридаги итисослашган коллеж ва академик лицей ўқувчилари ўзаро беллашдилар.

Кўрик-танловда ўқувчилар ўртасида Конституцияимиз ҳамда суд тизимидаги ислохотлар бўйича савол-жавоблар бўлиб ўтди. Адлия вазирлиги тавсия этган мавзуларда саҳна кўринишлари намойиш қилинди.

Умумий ҳисобда Адлия вазирлиги қошидаги 1-юрдик коллеж ўқувчилари ғолиб-

ликни қўлга киритди. Шунингдек, кўрик-танлов иштирокчиларидан Рустам Саидов "Энг фаол ўқувчи", Мирхамид Акбаров "Энг яхши ҳуқуқ билимдони", Ҳабибулло Набиев "Энг яхши актёр", Нилуфар Қодирова "Энг нотик ўқувчи" номинатсиялари бўйича ғолиб, деб топилди.

Ғолиблар ва кўрик-танловда фаол иштирок этган ўқувчилар Республика Адлия вазирлиги ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлиги тавсис этган эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Дано ЭШОНОВА, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманидаги 1-нотариал идора нотариуси

«Ёшлар боғи»

НАФАКАТ САРИОСИЁЛИКЛАР, БАЛКИ УНГА ҚЎШНИ ТУМАН ЁШЛАРИНИНГ ҲАМ СЕВИМЛИ МАСКАНИГА АЙЛАНМОҚДА



Мамлакатимизда мустақиллик даврида асрларга татигулик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида янгидан-янгидан марраларни эгаллаяпмиз. Утган 20 йил мобайнида наинки шаҳар ва туманларимиз, балки ҳар биримизнинг онгимиз, ҳаётга, Ватанга бўлган муносабатимиз ҳам ўзгарди. Куч — бирликда эканлигини, бирлашган миллат кўзлаган буюк ниятларига етишини англадик.

Сариосиё туманида барпо этилган «Ёшлар боғи»ни томоша қилиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига тасанно айтмасликнинг иложи йўқ. Жуда киска муддат — икки ойда қурилиб фойдаланишга топширилган ушбу улкан ва гўзал наинки Сариосиё тумани, балки Сурхондарё вилоятининг ҳам фахр-ифтихори, дейиш мумкин.

«Ёшлар боғи» 7 гектар бўлиб, унинг қурилишида ҳимийлар ҳисобидан 1 миллиард 250 миллион сўм сарфланди. Боғда «Мотамсаро она» хайкали, 7 та болалар аттракциони, 4 та музқаймоқ сотиладиган дўкон, 120 кишига мўлжалланган чойхона, ҳайвонот бурчаги (зоопарк), 2 та фаввора, 2 та халқ қаҳрамони хайкали, мини футбол,

баскетбол, волейбол майдончалари қурилди, 5660 туп ноёб манзарали дарахтлар, 3000 туп турли нав гуллар экилди, 67 та усти ёпилган узун ва 126 та усти очик ўриндиқлар, брус, спорт нарвончаси ва турниклар ўрнатилди.

«Ёшлар боғи»нинг очилиш маросими катта тантананага айланди. Сурхон воҳасининг турли соҳадаги таниқли ва киллари, шоир ва ёзувчилар, олимлар бу гўзал масканни ўз кўзлари билан кўриш учун ташриф буюришди. Туманининг каттаю кичиги, ёш қариси боғда тўпланишди. Барчанинг юзида байрамона кайфият, фахр-ифтихор туйғуси мўжассам эди.

— Яратилган боғни мамлакатимизнинг энг олис тумани ҳисобланган Сариосиё учун катта совға дейиш мумкин,

дейди таниқли маориф ходими Адҳам Сафар. — Киска муддатда ташландиқ ерда 7 гектарлик улкан боғ яратиш осон иш эмас. Мен аввало шундай имконият ва шароитларни яратиб берган Президентимизга, қолаверса, туман раҳбарияти ва бунёдкорларига миннатдорлик билдирмоқчиман.

— Сариосиё ҳамма жабҳаларда ижобий томонга ўзгарди, — гапга қўшилди «Сариосиё» газетасининг масъул котиби Нарзулло Холиқов. — Пахтачилик соҳасида ҳар гектардан 43 центнергача ҳосил олинди, рентабеллик 42 фоизга ўсди. 2009-2011 йиллар 2 та паррандачилик, 2 та балкичилик, 3 та асаларчилик лойиҳалари ишга туширилди. Туманда 5 та фермер хўжалиги негизда 50 гектар ер майдонида интенсив боғлар барпо этилди. Иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаятган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилиб, 2009 йил 56 76 та, 2010 йил 57 53 та, 2011 йилнинг 9 ой давомида эса 4688 та янги иш ўрни яратилди. 2009 йил туман тиббиёт бирлашмасига қарашли туғруқхона мажмуаси капитал реконструкция қилинди. Унга ҳимийлик ҳисобидан 230 миллион сўм сарфланди. 2010 йил туман халқ таълимга қарашли бинолар таъмирланиб, мактаблар компьютерлар билан таъминланди.

«Ёшлар боғи»нинг очилиш маросимида қўшиқ ва мусиқа садолари янграб турди. Ёши улғу инсонлар Ўртбошимизни, гўзал масканни бунёд этганларни дуо қилдилар. Шодон ўғил-қизлар аттракционлар билан машғул. Ёшлар боғ кезишмоқда, ёш келин-куёвлар «Мотамсаро она» хайкали пойига гуллар қўйишмоқда...

Бир сўз билан айтганда бахтли, бетакрор онлар! Боғни айланиб, сариосиёликлар қувончига шерик бўламиз. **Ҳамма хурсанд, ҳаммада байрамона кайфият, ҳаммининг кўзида шукроналик туйғуси...**

Эркин МУҚИМОВ, «Milliy tiklanish» мухбири

ЖАРАЁН

● АНЖУМАН

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

ШУ ЙИЛНИНГ 25 ДЕКАБРИГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси «Жамиятни оммавий ахборот воситалари орқали ёнғин хавфсизлиги муаммолари ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш йўллари ҳақида хабарлаш тизимини такомиллаштириш» мавзусида матбуот анжумани ўтказди.

Йиғилиш иштирокчилари га аввало ёнғин оқибатлари тўғрисидаги видеоларнамоиш этилди. Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси бошлиғи, полковник Исроил Юлдошев юртимизда ёнғин хавфсизлиги ойлиги бошланганини эълон қилиб, бошқарма фаолияти ҳамда тизимда амалга оширилаётган туб ислохотлар тўғрисида батафсил маълумот берди.

Анжуманда таъкидланганидек, Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси томонидан амалга оширилаётган тадбирлар натижасида биргина 2011 йилнинг 10 ойи давомида ёнғинлар сони ўтган йилга нисбатан 5,5, инсонларнинг куйиши ва тан жароҳат олиши 27, ҳалок бўлиш ҳолатлари эса 17 фоизга камайган.

Албатта, ўт ўчирувчиларнинг тезкор ҳаракати, ўз ишига масъулият билан ёндашиши натижасида бундай вазиятларнинг кескин камайишига эришилмоқда. Маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ёнғин ўчириш жаънавор экипажлари томонидан 9895 маротаба ёнғин жараёнда ўчирилган. Бу каби ёнғинлар чоғида 81 нафар фуқаронинг ҳаёти, шунингдек, 85 миллиард сўмдан ортиқ моддий бой-

ликлар сақлаб қолинди.

Содир бўлаётган умумий ёнғинларнинг 80 фоизи аҳоли турар-жойларида юз бераётгани боис, ёнғинларнинг олдини олиш борасида фуқаролар ўртасида кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Маълумки, оддий газдан нотўғри фойдаланиш ҳам катта фожиага сабаб бўлиши мумкин. Шуни фуқароларга эслатиш, ўз ҳаётлари-га бепарво қарамастекка чақириш мақсадида маҳалларда учрашувлар ўтказилмоқда. Қолаверса, куз-қиш мавсумида айрим аҳолининг қўлбола иситгич мосламаларидан фойдаланиши ҳам оғир оқибатларга олиб келиши оғохлантирилмоқда. Айтиш жоизки, ёнғин хавфсизлиги тизими томонидан ёнғиннинг олдини олишга қаратилган мавзуларда тайёрланган 3048 турдаги 277 миңдан зиёд нусхада эслатма, плакат ва шюрлар жойларга тарқатилди.

Ўтказилган рейдлар натижасида ёнғин хавфсизлиги қондаларини бузган 56510 нафар фуқаро маъмурий жавобгарликка тортилган. 20396 та қорхона, бино ва иншоотларнинг иш фаолияти вақтинчалик тўхтатиб қўйилди ва 164562 та электр ускуна, мослама, шунингдек, агрегатлардан фойдаланиш қатъиян тақиқланди.

Ёнғин хавфсизлиги бўли-маларининг куч ва восита-

ларининг жанговарлигини ошириш мақсадида қорхоналар билан ҳамкорликда 1374 маротаба ёнғин ўчириш бўйича тактик машқлар ва 15324 маротаба амалий машғулотлар ўтказилди.

Бундан ташқари, соҳада кадрлар масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, ходимларнинг касбий ўзагини мустаҳкамлаш, малакасини ошириш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Тасдиқланган дастурга асосан Ички ишлар вазирлигининг ўқув муассасаларида ҳар йили 200 дан зиёд зобит ва 900 нафар сержант ҳамда сардорлар ўз малакасини ошириб келади.

2001 йилдан бери республикамизнинг шаҳар ва вилоятларида 11 та ёнғин хавфсизлиги қисмлари қурилиб, 35 тасида қайта реконструкция ишлари ўтказилди. Вазирлар Маҳкамасининг «2008-2013 йиллар давомида ёнғин ўчириш техника ва асбоблар билан таъминлаш тўғрисида»ги Дастурига асосан Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати-нинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида бир қатор янгиликлар киритилмоқда. Яъни, ёнғин хавфсизлиги тизимини замонавий, янги ўт ўчириш машиналари ва қурилмалари билан таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Тадбир сўнгида, фикр-мулоҳазалар алмашиб, оммавий ахборот воситалари ходимлари ёнғин хавфсизлиги тизимидаги муаммо ва камчиликлар хусусидаги барча саволларига жавоб олишди.

Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА, «Milliy tiklanish» мухбири

● ТАДҚИКОТ

Ўзбек тилшунослиги

Мустақиллик йилларида тубдан янгиланган илмий йўналишлардан бири ўзбек тилшунослигидир. Тилшунос-ликнинг ривожланишида Бухоро Давлат университети олимлари ҳам салмоқли ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Истиқлол фанимиз ва таълимимизни мустақил тузум зугумидан озод қилди, университет тилшунослари ва дидактларига ҳар иккала йўналишда самарали илмий изланишлар олиб боришга кенг йўл очди. Илмий ютуқларини амалиётга татбиқ этиб, республикамизда ўзбек тилшунослигининг назарий асосларини тубдан янгилаб, жаҳон тилшуносли-гида мустақил илмий йўналиш саналган субстанциал тилшуносликни, унинг заминида она тили таълими-да когнитив-прагматик (индуктив) таълим усулини ишлаб чиқишга чиқилди. Университетимизда ишлаб турган аспирантура, докторантура, илмий тадқиқотчи-лик бўғинларидан самарали фойдаланиб, бу хайрли ишга нафақат Бухоро, балки Андижон, Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятининг илмий-ўқув масканларида ишлаб турган истеъдодли ёшларни жалб этишга, миллий истиқлол фарзанди бўлган янги илмий-дидактик йўналишни республикамиз фани ва таълими тизимига оммалаштиришга, кейинги 20 йил давомида элликача яқин докторлик ва номзод-лик диссертацияларини ҳимояга чиқариб, йўналиш-ни жаҳонга тараннум этишга имкон берди.

Тилшуносларимиз саъй-

ҳаракати туфайли ўзбек тилининг инсубатан яхлит субстанциал талқини ишлаб чиқилди ва бу университетимиз олимларининг бошқа ютуқлари учун замин вази-фасини ўтади. Булар асо-сан, куйидагилар:

ўзбек субстанциал тилшу-нослиги жаҳонга юз тугиб, Фарб тилшунослари эътибо-рини қозонди. Ўзбек суб-станциал тилшунослиги тахлил тамойиллари асо-сида фарбий тиллар қурилиши-нинг айрим томонларининг Мухаммадхон Файзуллаев, Моҳира Саидова ишларида талқини соҳа мутахассисла-ри эътиборини жалб қилган бўлса, Нофиза Воҳидова-нинг немис тили ўзбек субстанциал тилшунослиги-да ишлаб чиқилган градуо-нимия илмий тушунчаси воситасида тахлилига ол-моншунослар жиддийлик билан ёндашишди. Бу маса-ла байналмилал муҳокамага чиқарилди. Материаллар 6 ой олдин эълон қилинди. 2007 йилнинг апрелида Германия, АҚШ, Буюк Бри-тания, Канада, Франция, Италия, Дания, Норвегия, Испания, Греция, Гонконг каби давлатларнинг замона-вий тилшунослари иштиро-кида Тюбингенда ўтган Ахборотни лингвистик қайта ишлаш жамиятининг «Кон-венс-2007» йиғинида Нофи-за Воҳидова маърузаси кенг муҳокама манбаи бўлди ва

тахлил тамойиллари яқдил-лик билан маъқулланди.

Қолаверса, ўзбек тили-нинг субстанциал тахлили асо-сида ҳар бир бирликин-лисоний имкониятлар маж-муаси сифатида очилган ва тавсифланган моҳияти, бир томондан, бу имкониятлар қандай шароитда воқеала-нади ва нима беради, деган саволни ўртага ташлади ва дискурс назариясини қайта кўриш, унга оний система, изогласса, дискурсий эл-липсис каби янги илмий тушунчаларни киритишга олиб келди.

Шунингдек, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, 2004-2009 йиллар-да мактаб таълимининг тако-миллаштиришининг умуммил-лий давлат дастурининг амалга татбиқ этилиши, она тилидан Давлат таълим стандартлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнларида таълим мазмунини тубдан янгилашга, университетим-из олимларининг амалий йўналишдаги фаолиятига назарий асос бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги Қарори билан умумий ўрта таълим ўқув дастурларини тузиш, синаш ва жорий этиш Давлат комиссияси-нинг она тилидан таъриба-сининг маркази сифатида Бухоро шаҳридаги 9-мак-табнинг танлиниши, унга илмий раҳбарликнинг уни-верситетимиз зиммасига юкланиши, она тили ва адабиёт иши гуруҳининг раҳбари ва етакчи экспери-ментатори сифатида уни-

верситетимиз ходимлари-нинг белгиланиши том маънода тарихий воқеа бўлди. Она — ўзбек тилидан когнитив-прагматик таълим усулини ва субстанциал тахлил усулларини ўрта ва олий филологик таълим тизимига амалий татбиқ этишга улкан имконият яратилди ва олимларимиз бундан самарали фойда-ландилар. Давлат таълим стандартлари асо-сида қабул қилиниб, ўзбек тили бўйича олий филологик, ўзбек ва қоракалпоқ тилла-ри бўйича, умумий ўрта таълим тизимида ҳозиргача амалда турган дастурлар университетимиз олимлари етакчилигида тузилган. Олимларимиз уларни илк дарсликлар билан таъмин-лашга ҳам фаол қатнашди. Жумладан, олий ўқув юртлари учун вазирлик томонидан тавсия этилиб нашр қилинган, академик ягона дарслик, яъни ҳозир-ги «Ўзбек адабий тили» дарслигининг академик Раъно Сайфуллаева бошчи-лигидаги муаллифлар гуруҳида ҳам университетим-из аспирантураси ва докторантураси таълимининг кўрган, бугун бошқа олий ўқув юртларида фаолият кўрсатаётган мутахассис-лар бор.

Шунинг учун миллий истиқлол, республикамизда-ги барча олимлар қатори бизнинг Бухоро Давлат университети тилшунос-лари ҳам ўзлигини намоён қилиш учун йўл, қанот ва имконият берди, десак хато бўлмайд.

Ҳамид НЕЪМАТОВ, Бухоро Давлат университети профес-сори, филология фанлари доктори, республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, Зухра ЮНУСОВА, ЎЗМУ доценти, филоло-гия фанлари номзоди

Ўзбекистон Респуб-ликаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрдаги 309-сонли қарорига асосан, Тош-кент шаҳрида «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда.

Пойтахтимизнинг қаерига қараманг, ёнғин хавфсизлиги ходимлари томонидан ишлаб чиқилган панно ва рангли пла-катлар барчани хавфсизликка қорлайди. Бу бежиз эмас, ал-батта. Соҳа ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан қўллаб ёнғинларнинг олди олинмоқда. Шунга қарамай, ҳар кун ёнғин-лар рўй бериб турибди. Айниқ-са, куз-қиш мавсумида ёнғин-ларнинг аксарияти хазон ва чи-қиндиларни ёқиш, шунингдек, газ ва электр ускуналаридан нотўғри фойдаланиш оқибати-да келиб чиқмоқда.

Шу кунларда республика-мизнинг деярли барча худуд-ларида «Ёнғин хавфсизлиги ой-лиги» ўтказилмоқда. Ушбу та-дбир давомида халқ хўжалиги ва иқтисодиёт тармоқлари, қор-хона, ташкилот-муассаса, шу билан бирга, фуқаролар яшаш жойларида хавфсизлик чора-ларини кўриш, ёнғинга қарши чора-тадбирларни амалга оши-риш, аҳоли хавфсизлигини таъ-минлаш бош мақсад қилиб олинган.

Хусусан, туманимизнинг аҳолиси кўп жойларда, йирик бозорлар ҳамда ишлаб чиқа-риш қорхона ва ташкилотлари-да, шунингдек, ўрта муҳим ва стратегик аҳамиятга эга объектларда, ўқув юртлари, да-волаш муассасалари, меҳри-донлик ва мурувват уйларида фуқаролар билан учрашувлар ўтказилмоқда. Яқиндагина «Ёшлик» шаҳарчасида ўтказил-ган учрашувда олий ўқув юрт-лари ўқитувчилари ва миңдан

ХУРМАТЛИ ХАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрдаги 309-сонли қарорига асосан Республикаимиз ҳудудида 25-ноябрдан 25-декабргача **ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ** ўТКАЗИЛАДИ.
Ёнғинга тутиқ ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя қилиш орқали Сиз ёнғин келиб чиқишини олдини олиб, давлат ва шаҳарий мол-мулкнинг, узининг ҳамда атрофингиздаги кишилар ҳаётини асраб қолган бўласиз.

ортиқ талабалар қатнашишди. Махсус панно ва рангли пла-катлар, ўт ўчириш анжомлари, автоуловлар ва автотарновлар учрашувнинг янада қизиқарли ўтишини таъминлади.


Бундан ташқари, аҳолини ойлик тадбирларга кенгрок жалб этиш, тушунтириш ишла-рининг сифатини ошириш мақ-садида миңдан ортиқ нусхада эслатма, плакат ва шюрлар ишлаб чиқилиб, жойларга тар-қатилди. Қорхона, маҳалла кўмиталари, мактаблар, олий ва ўрта ўқув юртлари ҳамда фуқароларнинг оммавий йиғи-лиш жойларида фойдаланиш

Хумусобод тумани ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлими

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

● БИЗНИНГ ШАРХ

Аср вабоси



ги кунда сайёрамизнинг 200 миллиондан зиёд аҳолиси турли хилдаги гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилишди. Жумладан, 140 миллион одам марихуана — заҳарли оғунинг энг оммалашган турини чекади, кокаинни 13 миллион киши истеъмол қилса, 8 миллион киши героинга ружу қўйган. Гиёҳвандлик модда истеъмол қилувчилар йилдан-йилга кўпайиб бораётгани ачинарли ҳол. Улар орасида, айниқса, ёшлар кўпчилиги ташкил этаётгани янада ташвишли. Маълумотларга қараганда, айрим давлатларда мактаб ўқувчилари ва балоғат ёшига етганларнинг 34 фоизи ўз хоҳиши билан марихуана чекиши аниқланган.

Тарихий маълумотларга кўра, ҳали жамиятлар тараққий этмаган даврларда гиёҳвандлик воситаларидан асосан диний маросимларда, ярадор жангчилардаги оғрикни қолдириш ёки уларга куч бериш, руҳлантириш мақсадида фойдаланилган. Шунинг учун у даврларда маиший наркомания кам учраган. Европа жамияти Шарқдан келтирилган наркотиклар — гашиш, афюн сингари билан XIX асрнинг бошларида танишди. Бу гиёҳвандлик оғрик қолдирувчи восита сифатида оммавийлаша бошлади. Маълумотларга кўра, Америкага афюн XX асрнинг бошларида Хитой мигрантлари билан бирга кириб келди. Кейинчалик бу иллат тараққий этган мамлакатларда тез суръатлар билан тарқала бошлади.

Шифокорларнинг айтишича, наркотик моддаларни мунтазам истеъмол қиладиган одамларда унга нисбатан руҳий ва жисмоний тобеллик пайдо бўлади. Айниқса, сунъий йўл билан тайёрланадиган героин бора-бора наркомани ўз қулига айлантиради, оқибатда у жисмоний оғрикни енгиш учун ҳам доимий эҳтиёж сезади. БМТ маълумотларига кўра, Европада истеъмол қилинадиган наркотик моддалар бўйича биринчи ўринда марихуана, ундан сўнг сунъий йўл билан тайёрланадиган наркотик воситалар (кокаин, героин) туради.

Гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний оқими Марказий Осиё мамлакатлари учун ҳам катта муаммо туғдирмоқда. Минтақадаги бир неча мамлакатнинг Афғонистон билан chegaradoshлигини ҳисобга олсак, улар мазкур таҳдидга қарши курашнинг олдинги сафиди турбиди, дейиш мумкин. Фўқорлар урушига барҳам берилгани ва ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани тиклаш бўйича талай ишлар амалга оширилатганига қарамай, Афғонистон ҳамон гиёҳванд моддаларни етиштирувчи йирик марказ ва наркотикаднинг асо-

сий таянчи бўлиб қолаётир. 2001 йилда Афғонистонда АҚШ ва НАТОнинг ҳарбий кўшинлари иштирокида йирик операциялар олиб борилиб, ўзаро зиддиятлар, террорчилар фаолиятига бироз барҳам берилган бўлса-да, кўнори етиштириш 44 баробарга кўпайган. БМТнинг наркотик моддаларни назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси экспертлари маълумотларига кўра, 2005 йили Афғонистонда 4100 тонна қорадори йиғиштириб олинган. Бу тахминан 500 тонна героин ишлаб чиқаришга етадиган хомашёдир. 2007 йилда кўнори майдонлари 2002 йилга нисбатан 2,5 баробарга ошиб, 193 минг гектарни ташкил этган.

2008-2010 йиллар давомида Афғонистонда нарколабораториялар сони 2 ярим баробарга кўпайган. Сўнгги маълумотга кўра, улар сони 2008 йилда 175 тани ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 425 тага етган. Ҳар бир нарколаборатория йилига 2-3 центнердан героин тайёрлаб беришга қодир. Сўнгги 3 йил ичида оғу экспорт ҳажми 3 баробарга ошган. Яқинда Россияда нашр этиладиган "Международная жизнь" журнали томонидан Афғонистонда гиёҳванд модда экспортидан олинган даромад рўйхати эълон қилинган. 2000 йилда 0,9 миллиард АҚШ доллари, 2005 йилда 2,5 млрд., 2006 йилда 3,1, 2007 йилда 4, 2008 йилда 3,4 ва ўтган йили 2,8 миллиард АҚШ доллари миқдоридида маблағ ноқонуний равишда топилган.

Наркомафия улкан иқтисодий кучга эга бўлган глобал даражадаги хавфга айланиб улгурган. Бугун дунёда етиштирилётган "қора дори"нинг қарийб 90 фоизи Афғонистон ҳиссасига тўғри келаётир. Оғуфурлар Марказий Осиё давлатларидан гиёҳванд моддаларни бошқа мамлакатларга етказиш ва бутун дунё бўйлаб тарқатиш учун транзит сифатида фойдаланмоқда. Наркомафия халқаро терроризм ва экстремизм билан чамбарчас боғланиб кетган. Террорчи гуруҳлар ўз максадларини амалга оширишга маблағ топиш учун гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланмоқда.

Мутахассислар фикрича, наркотрафикга қарши кураш муаммосини ҳал этиш давлатлар миқёсидаги ишдир. Бу борада Ўзбекистон 1995 йилдан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг наркотикларга қарши курашга тааллуқли конвенциялари ҳамда дунё давлатлари билан ўзаро келишувларни имзолаган. Шу ўринда Президентимиз Ислам Каримов жаҳон ҳамжамиятини Афғонистонда етиштирилаётган гиёҳванд моддалар нафақат Мар-

казий Осиё минтақаси, балки бутун дунёга таҳдид солаётганидан кўп бор оғохлантирганини айтиш жоиз. Марказий Осиё давлатлари трансмилий жиноий тузилмаларнинг нишонига айланган шароитда Ўзбекистон минтақа мамлакатлари ва халқаро ҳамжамият сазъ-ҳаракатларини наркоманга қарши кураш йўлида бирлаштириш тақдирини илгартириш сурди. Президентимизнинг гиёҳвандликка, террорчиликка қарши курашувчи халқаро марказлар ташкил этиш заруригига оид ташаббусини нақадар ҳаётий экани ўз тасдиғини топди.

Гиёҳванд моддалар савдоси фақат Афғонистон билан боғлиқ эмас. Энг оғрикли нуқталар Латин Америка давлатлари, Европа минтақаси, Осиёнинг жанубий-шарқий мамлакатларида ҳам анча «риворланмоқда». Наркомафия фаолияти инсон савдоси, ноқонуний маблағлар ва қурол-яроқ контрабандаси билан ўзвий боғлиқ бўлиб, бу ҳол нафақат давлатларнинг иқтисодий ва ижтимоий муаммоси, балки мамлакат хавфсизлиги учун ҳам хатар туғдиришини ургуллади мутахассислар. Шу боис муаммонинг олдини олишда ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, миллий ва минтақавий даражада ахборот алмашувини фаоллаштириш, хуллас, барча сазъ-ҳаракатларни бирлаштириш зарур. Зеро, фаолият кўлами мисли кўрилмаган даражада кенгайиб бораётган, хавфсизлик ва барқарорликка жиддий таҳдид солаётган глобал муаммоларга қарши фақат биргаликда курашиш зарур.

Барча давлатлар қонунчилигида наркотик воситаларни ишлаб чиқариш, бошқа давлатларга жўнатиш ва тарқатиш учун энг қаттиқ жиноий жазолар белгиланган ва бу наркоманияга қарши курашнинг қонуний йўли ҳисобланади. Бугунги кун хулосаларини шуни кўрсатмоқдаки, наркоманияга қарши курашнинг энг самарали усули аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдир. Тадқиқотчиларнинг фикрича, айниқса, ёшлар учун ижтимоий шароитларни яхшилаш кўпроқ фойда беради.

Дарҳақиқат, қуролланиш пойғаси ва табиий ресурсларнинг қисқариши XX асрнинг энг катта муаммоси сифатида қаралган бўлса, XXI асрда уларнинг ўрнини халқаро наркоман бизнес ва терроризм эгалламоқда. Уларнинг ҳар иккиси ҳам дунё давлатларига ў ёки бу даражада хавф солаётир. Мутахассислар муаммони ҳал этишнинг ягона йўли мамлакатлар ҳамкорлигида фаолият олиб боришлари лозимлигини таъкидлашди.


Беҳзод ИСКАНДАР

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Оддий қутиларда

Австралияда сигаретлар энди оддий қутиларда ишлаб чиқарилади.

Австралия Сенати сигарет қутисини бренд белгиларисиз ишлаб чиқаришга оид қонун лойиҳасини маъқуллаган. Янги қонунга биноан тамаки қутиларидаги бренд ранглари ва логолари олиб ташланади. Бунинг ўрнига сигаретлар чекиш оқибатларидан оғохлантирувчи тасвирлар солинган оддий яшил қутиларда сотилади. Энди қонун лойиҳаси қуйи парламентда овозга қўйилади. Янги қонун 2012 йил декабрида кучга кириши мумкин. Сенатда тасдиқдан ўтган қонун лойиҳаси икки ҳафта куйи парламентга қайтарилиши керак. Австралия сигарет қутиларидан бренд белгиларини олиб ташлашга оид қонунни тасдиқлаётган биринчи мамлакатдир.



Икки баробар камаяди

XXI ўрталарига бориб Япония аҳолиси икки баробарга камайиши мумкин.

Кунчиқар юрда умр йўлдоши бўлмаган ёшлар сони тобора кўпаймоқда. Ҳукумат томонидан ўтказилган ижтимоий тадқиқотларга кўра, мамлакатда 18 дан 34 ёшгача бўлган эркекларнинг 61 фоизи уйланмаган. Шунингдек, аёлларнинг 23 фоизи ўзига умр йўлдош топишга ҳаракат қилмагани аниқланган. Бу 2005 йилги сўров натижаларидан анча кўп. Япония дунёда туғилиш даражаси энг паст давлатлар қаторига кириди. Шу боис ҳукумат ҳар беш йилда аҳолининг оила қуришга бўлган муносабатини ўрганиб туради. Ҳисоб-китобларга кўра, XXI аср ўрталарига бориб, мамлакат аҳолиси тенг яримга камайиши мумкин.



Нефть маҳсулотлари тўкилмоқда

Сайёрамиздаги дарё ва кўлларнинг ифлосланиши тобора кўпаймоқда.

Бунга сувларга турли чиқиндиларни ташлаш, авария оқибатида кемалардаги токсик моддалар, асосан нефть маҳсулотларининг сувга сизиб чиқиши, атом электростанцияларидан ажралиб чиқётган радиактив чиқитлар сабаб бўлмоқда. Маълум бўлишича, ҳар йили океан ва денгизларга 10-12 миллион тонна атрофида нефть маҳсулотлари тўкилмоқда. Биргина АҚШда 30 дан ортқ дарё ва кўллар жиддий ифлосланган. Мутахассисларнинг фикрича, сув манбаларини тозалаш учун 400 миллиард АҚШ доллари миқдоридида маблағ зарур. Ҳозир мамлакатда истеъмол сувининг 75 фоизига хлор моддаси билан ишлов берилмоқда.



8 ою 15 кунда

АҚШнинг НАСА Фазо агентлиги "Curiosity" номли махсус роботини фазога учирган.

"Curiosity" ("Қизиқувчан")нинг ичига мураккаб жиҳоз ва ускуналар ўрнатилган. Мутахассисларнинг фикрича, бу ускуналар Миррих сайёрасида ҳаёт бор ёки йўқлигини аниқлашга ёрдам беради. "Curiosity" сайёра сатҳига тушиб, тупроқ намунасини текширади. Ер билан "Қизил сайёра" ўртасидаги масофа 570 миллион километр. Оғирлиги қарийб 1 тоннани ташкил этган "Curiosity" бу масофани 8 ою 15 кунда учиб ўтиши керак.

Ҳорижий ОАВ хабарлари асосида тайёрланди

● РАНГИН ДУНЁ

Аксарият дунё сайёҳлари турли мамлакатлар бўйлаб сайёҳатга чиқар экан, энг аввало, ўша юртининг қадимги ёдгорликлари, осори-атиқалари билан танишишдан бошлашади. Чунки улар халқ тарихининг кўзуси ҳисобланади.

Испанияга сайёҳат қилган одам денгиз бўйларида мароқли дам олиш баробарида мамлакатнинг тарихий ёдгорликлари билан ҳам танишади. Айниқса, Каталония ва унинг маркази — Барселона дунёдаги энг йирик сайёҳлик маркази ҳисобланади. Ўрта ер денгизи қирғоғида жойлашган ушбу шаҳар бугун ҳам ўзининг асл миллий ва маданий меросини сақлаб қолган.

БАРСЕЛОНА

Шаҳарнинг кўҳна Рибер ва Равал туманига асос солинган даврда бунёд этилган ёдгорликлар хануз қад ростлаб турибди. Айниқса, Рим империясини ёдга солиб турувчи қадимги деворлар, ўз даврининг рамзига айланган машҳур Собор ибодатхонаси ҳали ҳамон ўз салобати ва кўрқини йўқотмаган. Ибодатхона қурилиши XIII асрда бошланган бўлиб, салкам олти аср давом этган. 1890 йилда эса ибодатхона бош биносининг кириш қисмидаги безакларга қайта зеб берилган. Бу бино бежизга XV

асрнинг "уч марвариди" деб аталмайди. Негаки, ўндаги бош иншоот, кўнгиракхона ҳамда галерея меъморийлик санъатининг юксак намунаси ҳисобланади. Унинг бетақор нарқларини кўриш учун ҳар йили дунёнинг турли мамлакатларидан сайёҳлар келиб туради.

Барселона аллақандай сирсинаотни ўзида сақлайди. Унинг замонавий архитектураси бунга яққол мисол бўла олади. Маълумотларга қараганда, Эйшамл худудидида 1860 йили муҳандис Ильдэфонсо Серд лойиҳаси асосида қурилган иншоотлар турли файли Европанинг "энг ажойиб шаҳри" дея эътироф этилган. Бу ердаги «Авлиё оила» ибодатхонаси Антони Гаудининг буюк меъморий "асари" бўлиб, бугунги кунда жаҳон аҳамиятига молик Барселонанинг рамзи ҳисобланади.

Барселонада қирққа яқин музейлар мавжуд. Улар орасида Барселона замонавий санъат музейи, "Пикассо" ҳамда Каталония миллий музейларини алоҳи-

Испанияга саёҳат

да тилга олса бўлади. Дунёдаги энг ноёб коллекция ва экспонатлар айнан шу ерда сақланади. Умуман олганда, Испаниянинг деярли барча худудларида музей, дея таърифланади. Сабаби, шаҳар кўчалари бўйлаб сайр қилган ҳар қандай инсон эрамиздан аввалги III асрдан то ҳозирги кунгача бўлган тарихий манзараларнинг гувоҳи бўлади. Рим империясининг таъсири шундоққина сезилиб туради. Худуддаги Таррако археологик ансамбли 2000 йили ЮНЕСКОнинг инсоният миллий мероси рўйхатига киритилган. Унинг таркибига кўплаб қаср ва ҳайкаллар, Миллий археологик музей, цирк, шунингдек, қадимги амфитеатр кирди.

ТАРРАГОНА

Мамлакатнинг Таррагона шаҳри очик осмон остидаги музей, дея таърифланади. Сабаби, шаҳар кўчалари бўйлаб сайр қилган ҳар қандай инсон эрамиздан аввалги III асрдан то ҳозирги кунгача бўлган тарихий манзараларнинг гувоҳи бўлади. Рим империясининг таъсири шундоққина сезилиб туради. Худуддаги Таррако археологик ансамбли 2000 йили ЮНЕСКОнинг инсоният миллий мероси рўйхатига киритилган. Унинг таркибига кўплаб қаср ва ҳайкаллар, Миллий археологик музей, цирк, шунингдек, қадимги амфитеатр кирди.

Каталония муслиқий меросига атаб, 1908 йили Луис Думенек лойиҳаси асосида "Панорама" муслиқ саройи ҳам қурилган. Техника жиҳозларининг кўплиги, бироқ ички майдоннинг кичиклигини инобатга олган меъмор Ос-

кар Тускетс саройини янги лойиҳасига кўра янада кенгайтиради. Бу сарой Испаниянинг илк концерт зали ҳисобланади. Классик муслиқ саройи — Лисеу опера театри 1848 йили қурилган бўлиб, бино 1994 йилги ёнган туфайли жиддий зарар кўради. Аммо, 1999 йилнинг 11 октябрида бино қайта таъмирланиб, яна омма учун ўз эшикларини очди.

КАТАЛОНИЯ МАДАНИЯТИ

Ҳар бир мамлакат халқлари каби испанлар ҳам ўзларига хос ва мос миллий байрамларига эга. Масалан, Каталонияда ажабтовур карнавал ҳамда фестиваллар тез-тез ўтказиб турилади. Барселона шаҳрида ҳар йили ўтказиладиган "Грек" фестивали театр, муслиқ ҳамда замонавий рақс санъатига бағишланган. Аньанага кўра, байрам ёз ойларида, салкам бир ойча давом этади. Айтишларича, ушбу фестивал томошабинларда ўзгача таассурот қолдиргани боис, ҳамма уни интиқиб кутади.

Мамлакат бўйлаб ўтадиган "Таррагона" карнавали эса ўрта аср аънавалари билан боғлиқ



Маҳфуза ТОҲИР, "Milliy tiklanish" мухбири

**МАДАНИЯТ
ХАБАРЛАРИ**

**Кузги
учрашувлар**

Пойтахтимиздаги Тасвирий санъат галереясида Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда Халқаро алмашувлар жамғармаси (Корея) кўмагида кўргазма ташкил этилди.

Кўргазма экспозицияларида Ўзбекистонда истиқомат қилувчи корей миллияти мансуб, замонавий ва миллий тасвирий санъат ривожига ўз хиссасини қўшиб келаятган ҳамюртларимиз Исхра Шин, Владимир Ким, Светлана Цой, Николай Пак, Светлана Шинларнинг 58 та, улар билан бир қаторда кўргазмада ёш ўзбек рассоми Дилором Мамедованинг 15 га яқин ижод намуналари жой олган. Айтиш жоизки, уларнинг ҳар бири ўз ижодий услубига, ўзига хос ҳаёт таърибига эга.

Европа ва Осиё мамлакатларида ўтказиладиган нуфузли кўргазмаларда ўз асарлари билан тез-тез қатнашиб турадиган Исхра Шин асарларида борлиқдаги воқеа ва ҳодисаларнинг асл моҳиятини жадал намойён этишга интилиш, расмоннинг талабалик йилларида танлаган романтик йўналиши бугунги кунда энг юқори даражада шаклланигани кўрамиз. Кўргазмада, шунингдек, расмоннинг шу йил нашрдан чиққан расмлар каталогига “Уй. Бурчмулла”, “Булутли кун”, “Баҳорги учрашув”, “Баҳордаги бог”, “Кўз”, “Тонг. Белдирсой” каби кўплаб асарларида табиатнинг гўзал манзаралари, йил фасллари ўзига хос тарзда акс этган. Санъатда ўз услубига эга, кўп қиррали расмон Владимир Ким эса ўзига яқин мавзулар — афсона ва ривоятлар, тарихни акс эттирган бўлса, график расмон, рангтасвирчи, керамика устаси Николай Пак асарларида ижобий кайфияти ва ижодий жўшқинлики кўриш мумкин. Рангтасвирчи, флорист, театр рассоми Светлана Цой учун табиат ва борлиқ — ижод манбаидир. Кўргазмада унинг “Қишлоқда тонг”, “Тоғдаги дарё”, “Ташналик” ва бошқа бир қатор асарлари ҳар қандай инсонни мулоҳазага қорлайди. Унинг “Баҳор нафаси”, “Ариқ бўйидаги қизлар”, шунингдек, манзара ва натюрморт жанрида ижод қилаётган расмон Дилором Мамедованинг “Эски шаҳар”, “Тор кўчалар”, “Баҳор” каби асарларида тарихга айланиб улгурган, асарлардан асарларга ўтиб келаятган миллий кадриятларимизни эслатувчи жойлар, маҳалла ва бизга таниш кўчаларни кўрамиз. Биз кўргазмага қўйилган айрим асарларга тўхталик, холос. Ўйлаймики, Шин сулоласи вакиллари томонидан чизилган “Гулсапарлар”, “Атиргуллар”, “Баҳорги гуллар” каби гуллар тасвирланган асарлар томошабинлар қалбига илқик олиб кириши шубҳасиз.

Хасан АБДУНАЗАРОВ

Танлов

Қорақалпоғистон Бадий академияси кўргазмалар залида “Объективда номоддий маданий мерос” танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

Танловда Тахиятош, Нукус шаҳри, Эликқалъа, Кегайли, Кўнғирот туманларида фаолият юритувчи фото ва видеоҳаваскорлар тўғрисида вакиллари ўзларининг урф-одат, анъаналар, маросимлар, анъанавий ҳнармандчилик ва табиатни ифодаловчи асарлари билан иштирок этишди. Танловда Кўнғирот ва Қонқилқ туманидан келган қатнашчилар Д.Бекжанов, Д.Генжебаева, М.Нызанов голиб деб топилди. Улар Тошкент шаҳрида бўлиб ўтadиган Республика танловига йўлланма олишди.

**Мухтасархон
КАРИМОВА**

КЎЗГУ

ИСТЕЪДОД

Санъатим — саодатим

Халқимиз орасида санъатни севмайдиган, муסיқадан ором олмайдиган, рақсининг жозибасидан ҳайратга тушмайдиган инсон деярли учрамаса керак. Ўзбек халқи санъати, муסיқаси, рақс ва кўшиқчилиги ҳам кўп йиллик тарихга эга. Улар орасида ўзбек миллий рақси ўзига хослиги, жозибаси, кенг қамровлилиги билан алоҳида ажралиб туради. Мукаррама Турғунбоева, Кундуз Мирқаримова, Маъмура Эргашева, Қизлархон Дўсмұхаммедова, Малика Аҳмедова, Феруза Солихова, Рушана Султоновалар ўзбек миллий рақс санъатини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшганлари барчага маълум.

Ҳозирда ўзбек миллий рақси ривожланиб, дунё миқёсида кўкларга кўтарилмоқда. Бу ўринда ўзбек қизларининг маҳорати, интилиши, чидами ва ибоси таҳсинга сазовордир.

Ёш раққоса Сўғдиёна Ҳамраева елкасига жуда катта маъсулият олган. У ўзбек миллий рақсини мукамал ўрганмоқчи ва унинг довуғини дунёга танитиш ниятида.

Жуда кичиклигидан рақсга меҳр қўйган жажжи қизалоқ богчадаги бирорта тадбирни ўтказиб юбормасликка ҳаракат қиларди: богчада унинг иштиракисиз тадбир ўтказилмасди. Унинг чиқишлари таълим олган Сурхондарё вилоят Шеробод тумани 1-мактабдаги барча тадбирларга кўрк қўшарди. Ёшгина қизалоқ товус мисол хиром айлаганда кўзларни қувнатар, барчага бирдек кай-

фият улашарди.

— Бир йили Шерободда концертга тушгандик, — дейди отаси Уктам Ҳамраев. — Концертда раққоса Сўғдиёна Исроилованинг рақслари мени ўзига буткул маҳлиё қилиб қўйди. У хонанда билан бирга куйлагандек ўйнардик. Орадан кўп ўтмай тўртинчи фарзандимиз — қизалоқ дунёга келди. Яхши ният билан унга Сўғдиёна, деб исм қўйди.

Болага қўйилган исм унинг тақдирини қайсидир маънода белгилаб беради, дейишади. Балки шу гап ростдир. Сўғдиёна ҳақиқатдан ҳам санъатга меҳр қўйиб улғая бошлади. Иқтидорини сезган ота-онаси 2005 йили уни туман маданият уйининг рақс тўғарагига олиб боришади. Тўғаракка аъзо қизлар у пайтда бармоқ билан сарнари эди. Ҳозир тўғарак аъзо-



ларининг сони 30 нафардан ортиб кетган.

Ўзбек миллий рақси олами-нинг сир-асрорларини ўзлаштира бошлаган Сўғдиёна меҳнатлари мевасини кўра бошлади. У туман, вилоят миқёсидаги байрам чиқишлари, ёшлар ўртасида ўтказилган турли танловларда ҳам қатнашадиган бўлди. Албатта, буларнинг бари

устози Гулнора Мажидова раҳбарлигида олиб борилаётган тинимсиз ва машаққатли меҳнатлар натижаси эди.

Сўғдиёна ўтган йили гуруҳ таркибиде “Янги авлод-2010” Республика болалар ижодиёти фестивалининг Тошкентдаги финал босқичида қатнашди. Гуруҳ аъзолари томонидан ижро этилган “Сурхонча рақс” ҳакамлар ҳайъати, томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Унинг кизиқишлари бир олам. Сўғдиёна жониворларни яхши кўради, адабиётга қизиқади, экология муаммоларини ҳал қилишга ўз хиссасини қўшишни истади. Туман мактаблари ўқувчилари ўртасида Замира Маматқулова хотира-сига бағишлаб ўтказилган “Табиатни асрайлик” танловида голибликни қўлга киритгани ҳам бежиз эмас. Уқиш ва санъатдаги фаоллиги учун туман халқ таълими бўлимининг Фахрий ёрлиги билан тақдирланган.

Сўғдиёна учун 2011 йил ҳам омадли келди. У Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодларнинг Шеробод тумани босқичида рақс йўналишида голиб деб топилди ва вилоят босқичига йўллангани қўлга киритди. Шеробод тиббиёт коллежининг 1-босқич талабаси Сўғдиёна Ҳамраева танловнинг вилоят босқичида ҳам пешқадамликни қўлга киритди. Энди у Республика босқичига тайёргарлик кўрмоқда.

— Зулфияхонимга муносиб фарзанд бўлиб етишишни иштайман, — дейди у. — Ўзбек миллий рақси бутун дунёга янада кенгроқ танилишига ўз хиссамни қўшмоқчиман.

**Адиба ФАЙЗ,
“Milliy tiklanish” мухбири**

шқари, мазкур танловда иштирок этган кўплаб йигит-қизларимиз жаҳон миқёсида ҳам фахрли ўринларни қўлга киритишмоқда. Республикаимизнинг ҳар бир ҳудудидан ёш истеъодларнинг кашф этилиши бу ҳудудлар ўртасида ўзаро хилма-хилликни юзага келтиради. Масалан, ўтган йили навоийлик рақс гуруҳлари бизни ҳайратга солган бўлса, бу йил андижонлик болакайларнинг ўта фаоллик кўрсатиши қувонарли ҳол. Бундан ташқари, танлов болакайларни қурашувчанлик, ўз устида янада изланишга ўргатади.

**Акмал НУР,
Ўзбекистон халқрассоми:**

— Амалга оширилаётган бу каби тадбирларнинг барчаси келажак авлодимиз учун. Мана, биз, ҳакамлар республикамизнинг барча вилоятлари бўйлаб ўтказилаётган танловларда қатнашиб келаяпмиз. Бундай фестивални ташкил қилиш, барчани бир максатда бирлаштириш жуда мушкул иш. Ёлғизликда ижод қилиб ўрганган расмон сифатида мен бунга яхши тушунаман. Бу фестивалда иштирок этаётган ёш истеъодлардан умидимиз жуда катта.

**Зафар МУҲАММАД,
“Milliy tiklanish” мухбири**

қолди. Улар тошдан-тошга ўтганида “шиқир-шиқир” қилиб сезилар-сезилмас садо чиқарар, оқ-қора ва узун ниначалари эса ой ёруғида ялтирарди. Олапар ити дабдурустдан уларни қулашга тушиди. Шунда шарпалар безовталаниб қоча бошлашди ва жарликка яқинлашган ниначаларини бирдан тик қилиб тўхтаб қолишди. Овчиға уларнинг зарарқунанда жайралар эканлиги маълум бўлди. Афтидан улар галати ҳимояланиш усулини қўллаб орқага чекинишганди. Шунда шамолдек елиб-югуриб келаятган содиқ ит ўзини тўхтатолмай уларнинг ниначаларига урилгач тумшугидан жароҳатланиб тўхтаб қолади. Жайралар энди жарликка яширинишга тараддулланган ҳам эдики, қулоқни

қоматга келтирувчи қўшотар ўқининг гўмбурлаган садоси янгради. Қушандаларнинг биринкетин ер тишлаши Раҳим амакиннинг моҳир мерганлигини кўрсатиб турарди.

Овчи жайралар инини кузатаркан, унинг чуқурлиги ва теварақ-атрофдаги изларига қараб қушандалар сонини олдиндан айтиб бера оларди. Шунинг учун у тонг ёришгач жар ёқаси ва ялангликни қанча елиб-югуриб кўздан кечирмасин, барибир охириги ўлжасини топа олмади. Ниҳоят, у деҳқонлар кўмагида жайра инини бузишга аҳд қилди. Шунда жароҳатланган қушандаларнинг инига бекиниб олиб, жон сақлагани маълум бўлди.

**Абдулла САИДОВ,
Жиззах вилояти**

ЎГИТ

Филдек зўр бўлсангу, шердек уришқоқ,
Наздимда жангдан сулҳ минг бор афзалроқ.

Сулҳ истар кишининг кўнглини синдирма,
Сулҳ эшигин қокса, сен жанг кидирма.

БИЛАСИЗМИ?

“Дисней” компанияси “Ҳайвонлар салтанати” боғини (Флорида, АҚШ) яратиш учун 1 млрд. доллар сарфлаган. Энг қизиги, боғда ҳақиқий ҳайвонларни учратиш мумкин.

“Сидар Пойнт” боғи АҚШнинг Огайо штатида жойлашган бўлиб, 67 та турли-туман атракционларга эга.

ТУРФА ОЛАМ

Коралл боғи

АСТРАЛИЯДА ДУНЁДАГИ ЭНГ ЙИРИК ДЕНГИЗ БОҒИ БУНЁД ЭТИЛАДИ.

Маълумотларга қараганда, боғ жуда катта ҳудудни ўз ичига қамраб олади. Салкам 1 млн. квадрат километр ҳудудни эгаллаши кутилаётган боғни қуришдан қўзланган асосий мақсад денгиз жониворлари, коралл рифлари, қушлар ва яшил тошбақаларни муҳофаза қилиш. Чунки, Коралл денгизининг сувости ўсимлик дунёси ниҳоятда ранг-баранг. Боғ эса коралл рифларини асраш ва келажак авлодларга бус-бутун етказишга яқиндан ёрдам бериши мумкин.



Темир арча

БЕРЛИН (GERМАНИЯ) ШАҲРИНИНГ ЭНГ ГАВЖУМ МАЙДОНЛАРИДАН БИРИГА ТЕМИРДАН ЯСАЛГАН БАЙРАМ АРЧАСИ ЎРНАТИЛДИ.

Мазкур арчанинг оғирлиги 7 тонна бўлиб, баландлиги 12 метрга етади. Ноанъанавий арча бир гуруҳ немис санъат ихлосмандлари томонидан яратилган. Шунга қарамай, арчани бирор санъат асарига тенглаштириб бўлмайди. Унга илинган буюмлар орасида темирдан ишланган лашулардан тортиб, юшмоқ ўйинқоқларгача топиш мумкин. Эслатиб ўтамиз, бундай ноанъанавий арча Берлинда биринчи бор ўрнатилгани йўқ. Ўтган йили шаҳар майдонларидан бирига ҳаво тўлдирилган чарм арча ўрнатилган эди.



Сув тубидаги топилма

РОССИЯЛИК ГАВВОСЛАР ТОБОЛ ДАРЁСИ ТУБИДА ҚАДИМДА ЯШАГАН ҲАЙВОНЛАРНИНГ СУЯК ҚОЛДИКЛАРИГА ДУЧ КЕЛИШГАН.

Манбада қайд этилишича, гаввослар сув тубидан бир неча килограмм оғирликдаги мамонт, ёввойи қорамол, қадимий от ва бошқа ҳайвонларга тегишли суяк қолдиқларини олиб чиқишган. Ҳозирда соҳа мухассислари топилмалар устида текширув ўтказишмоқда. Бироқ, гаввосларнинг фикрича ушбу суяк қолдиқлари қадимий ҳайвонларга тегишли. Сабаби бу ерлардан аввал ҳам ўта қадимий ашёлар топилган.



Заранг флешка

ЯПОНИЯДА ЁҒОЧДАН ЯСАЛГАН ТУРЛИ ТУМАН ГАДЖЕТЛАР БИЛАН САВДО ҚИЛУВЧИ ДЎКОН ИШ БОШЛАДИ.



Сотувга қўйилган буюмлар орасида Full Ki - board дея ном олган корпуси ёғочдан ишланган компьютер сичқончаси, шунингдек, кейс ва iPhone 4/4s смартфонни ҳам бор. Бундан ташқари, дўкондан заранг дарахтидан ишланган флешка, хар хил ёдгорлик буюмлари, соғва учун мўлжалланган брелок, ҳайкалча, камон ва ёйларни истаганча харид қилиш мумкин. Энг асосийси, дўкondaги маҳсулот арзон, шу билан бирга экологик тоза хомашёдан тайёрланган.

З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади

ЎЗМТДП Навоий вилоят Кенгаши партия Нурота туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Саттор Фафоровга падари бузруквори

ГАФФОР отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ФЕСТИВАЛЬ ОЛДИДАН

“Янги авлод-2011”

ФОНД ФОРУМНИНГ ЭНГ ЙИРИК ЛОЙИХАЛАРИДАН БИРИ ЁШ ИСТЕЪДОД ЭГАЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ҚАРАТИЛГАН

Шу йилнинг 16-18 декабрь кунлари Ўзбекистон Давлат консерваторияси ва Ёшлар ижод саройида ўтказиладиган “Янги авлод-2011” болалар ижодиёти фестивалининг республика босқичи олдидан матбуот анжумани ўтказилди.

Фонд Форум, “Камалак” болалар ташкилоти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ҳар йили ўтказиб келинаётган мазкур фестивалда юртимизнинг барча ҳудудларидан 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар мумтоз ва миллий қолғулар, кўшиқ, рақс, тасвирий ва амалий санъат, шеърят ва адабиёт йўналишлари бўйича ўз истеъодларини намойиш этадилар.

Ўтган саккиз йил давомида фестивалда Ўзбекистоннинг барча вилоятларидан 98 000 га

яқин иштирокчи қатнашди. Улардан 2355 нафари фестивал голиби бўлди. Лауреатлар диплом, грант ва совғалар билан тақдирланишди. Шунингдек, ўз йўналишлари бўйича махсус ўқув юртлига имтиёзли равишда кириш имконини ҳам қўлга киритишди. Матбуот анжуманида таъкидланганидек, бу йилги фестивалда иштирок этиш учун умумий ҳисобда 26 мингдан зиёд қатнашчилардан аризалар қабул қилинган.

Матбуот анжумани чоғида “Янги авлод-2011” болалар ижодиёти фестивалининг

ҳакамлар ҳайъати раиси Дилдора Жамолова, режиссёр Рустам Шамсутдинов, Ўзбекистон халқ рассоми Акмал Нур ва бошқа бир қатор ижодкорлардан иборат ташкилий гуруҳ аъзолари журналистлар томонидан берилган саволларга жавоб бериш баробарида фестиваль ҳақидаги ўз таассуротлари билан ҳам ўртоқлашишди.

**Дилдора ЖАМОЛОВА,
В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган муסיқа академик лицейи директори:**

— Дунё бўйича санъатнинг б йўналишини тенг қамраб ололган бошқа бундай фестивал йўқ. Унинг аҳамиятли жиҳати шундаки, жонли ижрога кенг йўл очиб берилади. Бундан та-

ВОКЕА

Кушандалар

Майда сут эмизувчилардан бири ҳисобланган жайралар ўсимликлар билан озиқланади. Тишлари исканадек ўткир, жағлари мустаҳкам. Юғуриши, сакраши, ўрмалаб чиқиши ва ер қовлашга яхши мослашган. Зарарқундалар жар ва тепаликларга ин қуради, горлардан ҳам паноҳ топишади. Ёғингарчилик кунлари бошпанасидан чиқмай ётади. Ачинарлиси тунда дала кезиб, экинларга зарар етказишади. Ҳосилга кирган полиз экинлари ва қовун-тарвузларни пайҳон қилади. Ер остидаги ўсимлик илдизларини топишда узун тирноқлари иш беради.

Куз оқшомларининг бирида Раҳим амаки гор томонидан бир

қанча шарпанинг экинзорга яқинлашаётганини пайқаб